Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 3 февраль сешанба

Сотувда эркин нархда. № 24 (1805)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларидаги "Кейс" корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, ўзбекистонлик машинасозларнинг қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кейс" корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари қувонарли даражада ривож топиб бораётганини айтди.

— Корпорациянгиз билан алоқаларимиз ўрнатилганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида "Кейс" муваффақият билан ўз ўрнини топиб бораётир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатимиз далаларида ишлатилаётган "Кейс" русумли трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси йил сайин кўпаймоқда. Энг муҳими, "Кейс" машиналари деҳқонларимизнинг юқори баҳосига сазовор бўлаётир.

Учрашувда "Кейс" корпорацияси билан ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш, хусусан, биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси раиси Р.Матжонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Президент жаноблари, азиз дўстим,

Сизни таваллуд кунингиз муносабати билан қизғин қутлаб, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Сизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, улкан муваффақиятлар ёр бўлсин. Сизнинг фаолиятингиз Марказий Осиёдаги барқарорликка ижобий таъсир этаётганидан воқифман ва бундай хайрли ишларингизни доимо қўллаб-қувватлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиққанимни маълум қиламан.

Яқин орада мамлакатингизга ташриф буюриш умидидаман. Бу ташриф мамлакатларимизни бирлаштириб турган ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишончим комил. Президент жаноблари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Президент жаноблари,

60 йиллик юбилейингиз муносабати билан Сизга табрикларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайман.

**ЖАН-ЛЮК ДЕХАНЕ,**
**Бельгия Бош вазири**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

60 йиллик юбилейингиз муносабати билан қардошларча, яъни халқларимиз анъанасига биноан оға ўз инисини муборакбод этганидек чин дилдан табриклайман.

Бироқ Сиз беҳад улкан шахс сифатида бу қадимий урф-одатларимиз доирасига сиғмайсиз. Шунинг учун Сиз бугунги ўзбек халқи ва унинг давлати тақдирини, барчамиз учун умумий бўлган Марказий Осиёдаги ҳамда дунё миқёсидаги ўрни ва аҳамиятини ўзингизда мужассам эттиргансиз, дейишга ижозат бергайсиз.

Кузатувларимдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, Сизнинг зиммангизга туб янгиланишлар давридаги чинакам ислоҳотчи ва бунёдкорлик вазифаси юклатилган. Бу вазифани ҳамма ҳам удда қилавермайди. Бунинг учун Худо ярлақаган киши бўлиш керак. Сиз шундай инсон эканингизга ишончим комил!

Сизни Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеяси ҳамда минтақамиздаги санъат ва фан арбоблари номидан қизғин қутлайман.

**Чингиз АЙТМАТОВ,**
**Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеяси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан Сизга Европа Комиссияси номидан энг самимий табрикларимизни йўллайман.

Кейинги уч йил давомида Сизнинг Ҳукуматингиз ва Комиссия биргаликда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун яқин ҳамкорликда ишлади. Бунинг натижасида Сиз 1996 йилда Флоренцияда имзолаган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим бўйича музокаралар ўтказилди.

Умумий мақсадларимизга Сизнинг хайрихоҳлигингиз биз учун ниҳоятда қадрлидир.

Мен Сизнинг донолигингиз, Ўзбекистон ва минтақангиз келажагини аниқ идрок эта олиш салоҳиятингизни беҳад қадрлайман.

Мен рафиқам билан бирга Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, юксак фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Энг эзгу тилаклар ила,

**ХАНС ВАН ДЕН БРУК**
**Европа Комиссияси аъзоси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Сизни 60 ёшингиз билан "Даймлер — Бенц АГ" концерни номидан чин дилдан муборакбод этишга ижозат этгайсиз.

Сизга соғлик ва муваффақиятлар тилайман. Мана шу икки омил Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам барқарор ва узлуксиз тараққиётини кафолатлайди. Концернимиз кўп йиллардан буён Сиз ва Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ўзаро амалий алоқаларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон билан қўшма кооперациялар ва амалий алоқалар борасида катта имкониятлар мавжуд. Сиз билан мулоқотларимизни давом эттириш ҳамда мамлакатингиз ва "Даймлер— Бенц" концерни ўртасида тузилган умумий битимни янада ривожлантириш имкониятидан фойдаланиш мен учун қувонч бағишлайди.

Ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Клаус МАНГОЛЬД,**
**"Даймлер — Бенц" концерни бошқаруви аъзоси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Муборак олтмиш ёшингиз муносабати билан энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мен Сизнинг сиймонгизда ўз мустақил мамлакати халқаро демократия мезонларига тўла мос келиши, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳамда катта обрў-эътиборга сазовор бўлган сиёсат арбобини табриклашдан бахтиёрман.

Ҳурматли Президент жаноблари,

Сизга масъулиятли ишингизда улкан ютуқлар, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат, мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилайман.

Эҳтиром ила,

**Арпад ГЁНЦ,**
**Венгрия Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ректорати ва илмий кенгаши қутлуғ олтмиш ёшга тўлишингиз муносабати билан Сизни самимий муборакбод этади.

Сизнинг Республика ҳаётида иқтисодиёт, таълим, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ислоҳот ўтказишдаги бетакрор ташкилотчилик фаолиятингиз мамлакат Президенти қандай бўлиши кераклигининг ёрқин намунасидир.

Сиз юритаётган сиёсат замирида Ўзбекистон халқининг манфаатлари мужассамдир. Сиз мамлакат тарихига, фаровон турмуш тарзи яратишга, янгича кўринишдаги давлат инфратузилмасини барпо этиш ва ижтимоий сиёсатга нисбатан муносабатингиз билан нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам катта обрў-эътиборга сазовор бўлдингиз.

Академиямиз илмий жамоатчилиги Сизнинг Республикани иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тубдан янгилаш йўлидаги хизматларингизни ҳамда келгусидаги режаларингизни юксак қадрлайди.

Мана шу табаррук ёшга тўлган кунингизда Сизга жўшқин ҳаёт ва узоқ умр, мураккаб ва масъулиятли вазифангизни шараф билан адо этишда улкан муваффақиятлар, бахт-саодат ва ҳар бир ишингизнинг бароридан келишини чин дилдан тилаймиз.

Эҳтиром билан,

**В.ВИДЯПИН,**
**Академия президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Бугун мен ва бутун корейс халқи Сизни муборак 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Ўзбекистон Республикасига Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида янада равнақ тилаймиз.

**Ким Ен Сам,**
**Корея Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни муборак олтмиш ёшингиз билан табриклайман. Сизга бутун Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат тилайман. Барча ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.

**Солижон ШАРИПОВ,**
**Спейс Шаттл, Индевер**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизни самимий қутлаб, Сизга соғлик ва моҳирона олиб бораётган масъулиятли фаолиятингизда янги ютуқлар тилайман.

Ишончим комилки, румин ва ўзбек халқи манфаатлари йўлида хизмат қиладиган мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Эмил КОНСТАНТИНЕСКУ,**
**Руминия Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ҳаётингиздаги муҳим воқеа, таваллуд кунингизнинг 60 йиллиги билан самимий табриклайман.

Юбилей кунингизда Сизга, Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, ўзбек халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Беларус Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳурмат, ишонч ва ўзаро фойдали ҳамкорлик халқларимиз равнақи йўлида ривожланаверишига аминман.

Эҳтиром ила,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент,

Азиз қардошим,

Туғилган кунингизнинг 60 йиллигини муборакбод этаман. Фурсатдан фойдаланиб Сиз зоти олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлик-саломатлик ва бахт тилайман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент,

Туғилган кунингизнинг 60 йиллигини муборакбод этиб, Сиз зоти олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлик-саломатлик ва бахт истаган тилакларимни йўллайман.

**Месут ЙИЛМАЗ,**
**Туркия Жумҳурияти Бош вазири**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент,

Туғилган кунингизнинг 60 йиллигини муборакбод этиб, халқингиз учун қилаётган муваффақиятли ишларни давом эттиришингизда соғлик-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Профессор, доктор Аҳат АНДИЖОН,**
**Туркия Жумҳурияти давлат вазири**

* * *

### Муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноби олийлари

Сиз, жаноби олийларига, муборак 60 ёшга тўлганингиз муносабати билан қизғин табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Сиз, жаноби олийлари билан бўлган учрашув менда жуда катта таассурот қолдирди, Сизнинг шахсингизга бўлган меҳримни оширди, Ўзбекистоннинг маданий қиёфасини ташқи дунёга таништириш билан боғлиқ фаолиятимни давом эттиришга янги қувват бағишлади.

Сизга мустаҳкам соғлик, куч-қудрат, узоқ умр ва Сизнинг оқилона ва шижоатли раҳнамолигингиз остида Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашини қодир эгамдан илтижо қилиб қоламан.

Менинг энг эзгу ва самимий тилакларимни қабул этгайсиз. Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

**Таҳсин Салоҳ ал-ХАЙЁТ,**
**Ливанлик ношир ва ишбилармон.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, 1998 йилнинг Республика Президенти томонидан "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази Тошкент давлат университети ва Тошкент давлат педагогика институтидаги оила муаммоларини ўрганиш лабораториялари негизида ташкил қилиниши белгилаб қўйилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги "Оила" илмий-амалий марказига кўрсатилган лабораториялар бўйича штатлар сони ва иш ҳақи фонди, шунингдек жиҳозларини балансдан балансга ўтказсинлар.

2. Республика "Оила" илмий-амалий марказининг Низоми ва тузилмаси тасдиқлансин. Марказ директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" жамғармаси, "Экосан" жамғармаси, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Республика "Оила" илмий-амалий маркази фаолиятида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Иштирокчилар Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Республика "Оила" илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш;

миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этно-педагогик, этно-психологик муаммоларини ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш;

оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

оилани режалаштиришни, унинг саломатлигининг тиббий-биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг тадбиқ этиш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этиш;

оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш;

оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали,мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш;

оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар яратиш;

1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган тадбирлар дастурининг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

оила ва жамият муаммолари соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

5. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Марказга оила муаммоларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ҳамда ўз фаолияти учун зарур ахборотларни олишда кўмаклашсинлар;

Марказга оила манфаатларига йўналтирилган дастурларни бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1998 йилда ва кейинги йилларда "Оила" илмий-амалий марказининг илмий изланишлари мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

Марказнинг ўз илмий-амалий дастурларини жойларда шартнома асосида амалга ошириши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши:

"Оила" илмий-амалий марказининг оила ва жамият муаммолари соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий ва халқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар ўрнатишига кўмаклашсинлар;

"Оила" илмий-амалий марказини халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардаги оила муаммоларига оид ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ахборотлар билан доимий равишда таъминласинлар.

8. "Оила" илмий-амалий маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. "Оила" илмий-амалий маркази ходимларига республика илмий-тадқиқот институтлари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун ўрнатилган ягона тариф сеткаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича белгиланган разрядлар жорий этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган ҳисоб-китобларга биноан Марказ фаолиятини ташкил этиш, керакли жиҳозлар ва компьютер техникаси харид қилиш учун зарур маблағ ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Марказни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

12. "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси Марказга хизмат кўрсатиш учун енгил автомобиль, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг харажатлари учун зарур бўлган лимит ажратсинлар.

13. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Марказ фаолиятини мунтазам ёритиб борсинлар, оила ва жамиятнинг долзарб масалаларига бағишланган эшиттириш ва кўрсатувлар дастурларини ушбу қарорга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқсинлар.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда "Оила" илмий-амалий марказига Фурқат кўчасидаги 1-уйдан жой ажратсин ва уни таъмирлаш масалаларини ҳал қилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 февраль.

ИҚТИСОДИЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# ҒОЙИБДАН МАДАД КУТИБ БЎЛМАЙДИ

## «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмаси фаолиятидаги муаммолар хусусида

**«Жиззахчўлқурилиш» бирлашмаси. Салкам чорак асрдан бери бу улкан корхона бунёдкорлари Жиззах ва Ховос оралиғида ястаниб ётган, ҳаёт изи бўлмаган чўлу биёбонларни ўзлаштириб, боғу бўстонга айлантириш, кўркам шаҳар ва қишлоқлар барпо этиш билан шуғулланиб келмоқдалар. Турли вилоятлардан қалб амри билан чўлга отланиб, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшаётган чўлкуварлар фидокорона меҳнати туфайли қақроқ даштда йигирмага яқин хўжалик, Зарбдор тумани ва Даштобод шаҳри бунёд этилди. Учта қудратли насос станцияси орқали Сирдарё суви Жанубий Мирзачўл канали сатҳидан салкам икки юз метр юксакликка кўтарилиб, 1,2,3-магистрал каналлар орқали чўлга оқа бошлади. Ҳатто Марғузар ва Писталитоғ этакларигача етиб келди. Фориш ва Зомин адирларида ҳам пахта етиштириш имконияти яратилди.**

Орадан йиллар ўтиши билан ҳаёт ўзгарди. Чўлни ўзлаштириш ишлари ниҳоясига етиб борди. Иш ҳажми қисқаргани сари, қурилиш ташкилотлари ҳам қисқараверди. Унинг тасарруфидаги пахтачилик хўжаликлари эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, айниқса, бирлашма анча «қийналиб» қолди. Иқтисодий қийинчилик исканжасида унинг кўплаб бўлинмалари ҳали боқимандаликдан холи бўлолмай, тадбиркорликка кўника олмай турган бир пайтда баъзи меҳнат жамоалари тарқатиб ҳам юборилди. Бугунга келиб бирлашманинг тўртдан бир бўлаги қолди, холос. У ҳам қурилиш ишларини деярли олиб бормайди. Оз миқдорда янги ерлар ўзлаштириш, ишдан чиққан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан шуғулланади. Бу ишларни бирлашма таркибида қолган «Бўстонсувқурилиш» тресси амалга ошиpяпти. Сиртдан қараганда ҳамма иш силлиқ кетаётгандек...

Аслида эса аҳвол унчалик эмас. Бирлашма қурувчилари ҳозир ҳам анчагина иқтисодий қийинчиликни бошдан кечиришаяпти. Буни чўлга илк бор келган, сиртдан разм солган ҳар қандай одам тезда илғаб олиши мумкин. Меҳнат аҳли бир-бирига таниш-билишлик, эски обрў ёки ҳурмат юзасидан текинга ёки насияга ишлаяпти. Чунки ишчиларга етти-саккиз ойлаб маош тўлаш имконияти бўлмаяпти. Одамлар ишдан кетиб қолишяпти, катта-кичик корхоналар ёпиляпти. Гап қуруқ бўлмасин, озгина бўлса-да таҳлилга ўтайлик.

Ер ости суви кўтарилиб, экинларни нобуд қилмаслиги учун, хўжаликлараро ва ички зовурлар ҳар уч йилда тозаланиши керак. Аммо «Бўстонсувқурилиш» тресси орадан саккиз йил ўтгач, эндигина 28 та экскаваторни бу ишга қўйди. У ҳам бўлса вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан. Хўжаликларда эса бу харажатларни узишга маблағ йўқ. Баъзан бажарилиши лозим бўлган иш ҳажми йўқлигидан айрим бўлинмаларда ишчилар ойлаб бекор туриб қолмоқда. Биргина мисол: 5-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси Қоровулбозорга, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчиларига уй-жой қуриш учун сафарга жўнатилган эди. Зарур қурилиш ашёлари ўз вақтида етказиб берилмагани боис, тўрт ой ичида жамоа аъзолари бекор қолиб, ётоқхона ва иссиқ овқат учун, «Бухоросувқурилиш» тресси билан тузилган шартномага кўра, салкам уч миллион икки юз минг сўм қарздор бўлиб қолди. Бу жамланмани у ерда сақлаб туриш имконияти бўлмагач, бирлашма бошлиғи буйруғи билан ўтган йилнинг апрелида 4-механизациялашган жамланма билан бирлаштирилди.

Текинга хизмат қилавериш жонга тегди шекилли, бирлашма раҳбарлари асосий вазифалари бўлган яроқсиз ерларни таъмирлашни унутиб, бошқа ҳудудлардан пулдор буюртмачи ахтариб кетдилар. Топишди ҳам, яна қаердан денг, Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасидан. Улар «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилишида қатнашиб, 180 миллион сўмлик иш бажаришди.

Бирлашма насияга қилган хизмати пулларини ҳанузгача ундиролмай юрибди. Ундирилгани ҳам солиққа «босиб» қолинаверди.

Натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ойма-ой қалашиб бораверди. Жумладан, буюртмачилар бирлашмадан 150 миллион сўм атрофида, бирлашма эса улардан 320 миллион сўм қарз. Бундай номутаносиблик ишчиларнинг ижтимоий аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда. Бирлашма қошидаги тиббиёт, савдо, маиший хизмат муассасаларининг иши қониқарсиз аҳволга тушиб қолди.

Иқтисодий инқироздан қутилишнинг, ишчилар моддий-маънавий шароитини яхшилашнинг йўли борми? Бирлашма бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ж.Даҳанов, «Бўстонсувқурилиш» тресси бошқарувчисининг муовини А.Куперман ва бошқа қатор раҳбарлар бу саволга «Йўли бор, маблағ керак, ёрдам беринглар», деб жавоб беришди.

Ҳозир ғойибдан мадад, маблағ кутиб иш юритиш мумкин эмас. Бирлашма раҳбарлари ҳамон бозор иқтисодиёти тўфонида ўзларини йўқотиб юрганга ўхшайдилар. Агар улар ўз ишларида, тушунчаларида ўзгариш ясамас эканлар, шу тўфон оқимида «кўринмай» қолишлари ҳам ҳеч гап эмас.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# «ХАРИДОРНИНГ ГУНОҲИ НИМА?»

**Ана шундай сарлавҳа билан газетанинг ўтган йил декабрь сонида ўз мухбиримиз Набижон Собирнинг танқидий мақоласи эълон қилинган эди.**

Унда Фарғона вилояти Ёзёвон туман матлубот савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо дўконларида йўл қўйилаётган қатор камчиликлар очиб ташланганди. Таҳририят Ўзбекистон кооперацияси акционерлик ва матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Ф. Бурҳоновдан мақолада кўтарилган масалалар бўйича қуйидаги жавобни олди:

Мақола вилоят ва туман раҳбарларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. Йиғилиш қарорига асосан 9-дўкон мудири М. Шохбунов эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. 8-дўкон мудири Х. Бойназаров касбига нисбатан масъулиятсизлик кўрсатгани учун уч ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жаримага тортилди. 10- ва 11- дўкон мудирлари Х. Тошмирзаев, А. Мадаминов ва туман матлубот савдо ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг савдо бўйича ўринбосари Н. Турдиевларга ҳайфсан эълон қилинди. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари кўрилди.

«Ўзбекбирлашув» бошқарувi тизимида аҳолининг таъминотида узилишларга йўл қўймаслик ва савдо маданиятини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларнинг бажарилиши доимий назоратга олинган.

ФАХР

# ШАРҚ ВА ҒАРБНИНГ МАДАНИЙ КЎПРИГИ

**Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази, Конрад Аденауэр жамғармасининг республикамиздаги ваколатхонаси ҳамда «Ижтимоий фикр» журнали таҳририяти биргаликда таниқли олима, филология фанлари доктори Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» китоби тақдимномасини ўтказдилар.**

25 йиллик заҳматли ижодий изланишлар самараси бўлган мазкур китобнинг нашр этилиши республикамиз маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Узоқ ўтмишдошларимиз ким эди, жаҳон маданий тараққиётида уларнинг тутган ўрни қандай, халқларнинг бу борадаги ўзаро баҳрамандлик жараёни қандай кечган? Асарда бу ва бошқа ҳозирги кун учун жуда муҳим бўлган масалалар ниҳоятда бой манбалар асосида холислик ва билимдонлик билан кўрсатиб берилган.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, олимлардан Н. Комилов, О. Файзуллаев, А. Саидов, афғонистонлик олим А. Журжоний, Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистондаги вакили Волфганг Шрайбер ва бошқалар маданият чегара билмаслигини барча эл ва элатлар азалдан бир-бирларига таъсир ўтказиб, айни пайтда ўзаро маданиятларини бойитиб борганликларини ва бу жараён мазкур асарда жуда ишонарли тарзда кенг ва илмий равишда ёритилганлигини алоҳида уқтириб ўтдилар. Бир сўз билан айтганда, мазкур асар кўпдан бери узилиб қолган Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий кўприкни қайта тиклади. Муаллиф меҳнат самарасининг энг муҳим натижаси ҳам худди шунда.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

ПУБЛИЦИСТИКА

# БОЛАЛАРИМ ОИЛАНИ ВАТАН ДЕДИЛАР...

## МЕН ВАТАННИ ОИЛА АТАДИМ

Бугун бизга осон кечмаяпти... Тарихнинг кўз ўнгида туб бурилиш ясалди. Ўзбекистон ўз тақдирини кескир вазиятлар силсиласида ўзи ҳал қилишдек матонатталаб ишга қўл урди. Бу – жаҳоний ўзгариш. Бу – чидам. Бу – дадиллик. Айни дам янги, қуёш нурларидай ўткир, ҳароратли, шиддатли, ёрқин фикрлар ёғдуси онгимизни остин-устун қилиб ташлади. Онгнинг ўзгариши инсоннинг ўзгаришидир. Бу мураккаб жараён... Одам боласининг фикрини мутлоқ бошқа тушунча замирида янгилаш, унинг қайта туғилиши билан баробардир. Озодлик туфайли янги онг, янги ғояларнинг қудрати ўлароқ, Ўзбекистондаги ҳар бир киши қайтадан туғилди, деб ўйлайман.

Ватанимизда бу йил Оила йили деб эълон қилинди. Бу бугунги жамиятимизни равнақ топиши, мустаҳкамлигини барқарор этишдаги асосий тугуннинг ечилишидир. Табиатдаги ҳар бир мавжудот Оллоҳ нури орқали бир-бири билан чамбарчас равишда боғланган. Шунинг учун ҳам оламни муқаддас бир ришта яхлит этиб туради. Энди берироққа тушиб фикрлайдиган бўлсак, Ўзбекистон юртининг буст-бутунлиги оилалар камолоти, уларнинг тинчтотувлиги, ўзбекона меҳр-мурувват, одамохунлик ва бағридарёлик тимсолида кўринади. Худога шукрлар бўлсинким, ўзбекнинг ўзини таниш имконияти етилди. Бу масала, яъни, оилага эътибор ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат раҳбари, муҳтарам Президент, минг бир ташвиш, минг бир юмушлар қуршовидаги Инсоннинг ўзи бу ишга бош-қош бўлди. Шу сабабли оила ва унинг келажаги учун қайғуриш Давлат ичидаги Давлат, шу билан бирга Давлатнинг нурафшон манзиллар сари илдам ҳаракат қилиши учун қайғуришдир.

Ўзбекистондаги жамулжам оилаларда сокинлик зиёда бўлмоғи шу юртнинг ички ва ташқи сиёсати барқарорлигидир. Уйида осойиш кечмаётган одамнинг ишида унум бўлганини ким кўрибди? Уйида хавотир ҳоким инсоннинг ўй-хаёлида келажак ҳақида ёруғ орзулар илдиз отиши мумкинми? Оиласи ташвишли одам соғ ва дадил ҳаракат қилишига ким ишонади? Оиласи тир тўзғимаган инсоннинггина кўнгли бутун бўлади. Биз ўзбеклар ҳаммамиз шундай. Шу боис ортимиздан йиғлаб қоладиган, бир умр хотирлаб иззатимизни жойига қўядиган фарзандлар қолади. Шу боис авлодлар орасидаги оқибат эшиги доимо ланг очиқ бўлади. Шу боис халқимиздаги бу нодир фазилат дунёнинг ҳайратини туширади. Шу боиски, биз оилапарвармиз. Шу боиски, оиламизнинг ободлиги кўнгил уйимизнинг шодлигидир. Шу боиски, биз келажакка ишонч билан қараймиз, шу боиски, ортимиздан келаётган давомчиларимиз бошини силаймиз. Бундан теран, бундан ёрқин фалсафа, бундан ажойиб тушунча бўлиши мумкинми? Шу боиски, бу миллат йитиб кетмайди. Шу боиски, бизни оқибат асрайди.

Тоза жамиятда, тоза Ватанда, оилапарвар юртда яшасанг арзийди. Ватаним осмонининг тиниқлиги, тинч ва бехавотир кунлар учун жоним нисор бўлсин. Бу менинг оилам, менинг хонадонимнинг тинчлигидир. Юртимнинг озод ва ободлиги, оилам тус-тугал, саодатли, эркинлик насими кезган лаҳзаларда яшаётганим учун шукрона айтаман. Нон десам нони бор, қуёш десам қуёши бор, ер десам ери бор, дин десам дини бор, имон десам имони бор, ризқ десам ризқи бут юртда яшаяпман. Муҳими, шу бахтлардан баҳрамандлигим гарови юртимнинг тинчлиги бор. Яна айтсам, бошимда таҳлика булутлари сузмайди. Эл-эломон кўча-кўйда саргардон эмас. Бошқа нима керак? Ўзбекистон ўз аҳлини ойдинлик сари омон-эсон олиб бораётган саодатманд ўлка. Шу нарсани англамаслик эса нонтепкилик, бадкирдорлик, тузҳаромилик бўлади. Кимки жамиятимиздаги барқарорлик, инсонпарварлик туйғулари шаклланиб борганлигини ҳис қилмас экан, билингки, у ўзини, оиласини, фарзандларини эркалаш ҳузуридан мосуводир. Бу ўзбеклардаги энг оғир қарғиш – юзи қаролик билан баробардир. Ким нима деса десин, Ўзбекистонимизда ўтаётган ҳар бир осойишта кун Оллоҳнинг улуғ иноятi. Худога терс қараган, динсиз, имонсиз, нокас, муттаҳамларгина бугунимиздан норизо бўладилар. Мен бундай зотларнинг ширидан-ширин фарзанди, беғубор оиласи борлигига ишонмайман. Болаларим оилани Ватан деб ўйлайдилар. Мен Ватанни оила деяман. Юртимиздаги ҳар бир киши бугун шу тахлит фикрлашига, дунёқарашимизда шу ўй тўлиқ шаклланиб бораётганига ишонаман.

ЎзТВ орқали Наманган вилоятида содир бўлган воқеаларни кузатиб, даҳшатга тушдим. Бундан республикамиз фуқароларининг деярли барчаси воқиф бўлишди, албатта... Наҳотки, инсон боласи тинчлик ва тотувлик юзига шунчалик чанг солиши мумкин? Бу қайси динда, қайси эътиқодда бор? Тузни еб, тузлиққа тупуриш эмасми, бу?! Етмиш йиллик жабрдан халос бўлиб, яралари эндигина малҳам топаётган юртнинг, халқнинг кўксига тиғ санчиш эмасми, бу?

Мамлакатимизда бу йилнинг Оила йили деб айтилиши замирида яна бир моҳият бор. Бу бизнинг қадим тушунчаларимиз асосида ҳам ёруғ бир хулосани беради. Чунки оиласи бағрида қадди баланд одамнинг, фарзандлари кўзига тик қарай оладиган кишининг иззати юксакдир. Оиласи ёруғ, тоза ва беғубор ота-онанинг чеҳраси ойдиндир. Оиласини ардоқлаган одамгина меҳрли ва мурувватли, ўзидан тинчиган инсон саналади. Бундай инсонлар жамиятнинг хулқ-атвори, чиройи бўлиб қолади.

Ҳа, бу йил бизда беҳудага Оила йили деб аталмади. Ҳали бу ҳақда яна кўплаб фикрлар айтилади.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***



*Чеварликни ҳамма ҳам эплайвермайди. Аммо бизнинг ўзбек қизларимиз орасида тикувчиликни уддалайдиганлар талайгина. Улар чеварликни бойлик орттириш манбаигина деб эмас, балки кишилар ҳожатини чиқариш, давлатимиз равнақини ошириш деб тушунадилар. Ва улар ҳақдирлар. Сиз суратда кўриб турган «Юлдуз» акциядорлик жамияти корхонасининг қўли гул тикувчиси Гулнора Бадалова ҳам ана шундай чеварлардан бири.*

**Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.**

ОҒРИҚЛИ НУҚТАЛАР

# БОЗОРДА ҒИРРОМЛИК КЕТМАЙДИ

### 30 ГРАММ ГЎШТНИНГ... «КУЧИ»

1997 йил 15 августда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 82-сонли қарорининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бажарилиши ҳақида»ги қарори қабул қилинган эди. Ҳукуматнинг аҳоли турмуш фаровонлигини тўла-тўкис таъминлашга йўналтирилган бу муҳим хужжати, афсуски, жойларда ҳали-ҳануз суст ижро этилмоқда. Бозорларда тегишли тартиб-интизом йўқлиги боис, ҳар ким билганича ўзини савдога ураяпти ва, табиийки, савдо қонун-қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Чайқовчилик илдиз отиб, деҳқон манфаати бир қадар топталаётир ҳам.

Деҳқон бозорига келганимизда ташрифимиз шовури аллақачон бу ердагилар қулоғига етиб келганини фаҳмладик. У ерда 20-30 нафар киши сабзавот-полиз маҳсулотлари, мева-чева билан савдо қилишаяпти. Кийим-кечак бозорида ҳам тадбиркорлар унчалик кўп эмас. Ҳоким муовини Г. А. Юн ва «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси Х. Пўлатов билан бозорни айланарканмиз, гўшт расталарида харидорлардан бирини тўхтатиб:

– Гўштни қанчага олдингиз? – дея сўрадик ўзимизни таништиргач, қариядан.

– Икки юз етмиш сўмга олдим, бир кило, – деди харидор Г. Юзикаев.

– Бир кило чиқармикан?

– Қассоб бир кило деди-ку?

– Рухсат берсангиз, шуни назорат тарозисида қайта ўлчаб кўрсак?

– Майли.

Афсус! Шубҳамиз ўринли чиқди. Қассоб О. Жўраев бир кило мол гўштидан 30 грамм уриб қолибди.

– Вой-бў, ўттиз граммга ҳам шунчами? – пичинг қилди кимдир.

Тўғри, бир қарашда бу арзимаган туюлар. Лекин бир грамм бўлса-да, у кишининг ҳаққи-ку, ахир. Олайлик, бир кунда ўн кишидан 30 граммдан уриб қолинганида, нақд 81 сўм «даромад» қилинаркан.

– Қўлимизга пул тушмаяпти, маблағимиз бўлса, бозор сатҳига асфальт ётқизишимиз керак. Расталарни кенгайтириш, атрофга тижорат дўконлари қуриш ниятимиз бор, – деди бозорқўм.

Суҳбат асносида, бозорда савдо-сотиқ қилаётган деҳқонлар ва тадбиркорларга деярли шароит яратилмаганидан бўлса керак, туман аҳолисининг бир қисми Паркент, бир қисми эса Тўйтепа ва Тошкентнинг «Қўйлиқ» бозорларини маъқул кўриши маълум бўлди.

Аҳвол шундай бўлгач, маҳсулотларни улгуржи харид қилишга ихтисослашган бўлим фаолияти, маҳсулот етиштирувчилар билан тузилаётган шартномалар ҳақида сўраб-суриштириб, бозор раҳбарларини ортиқча «қийнаб» ўтиришни ўзимизга эп кўрмадик.

### «НАМУНА» НЕГА НАМУНА БЎЛОЛМАЯПТИ?

Оҳангарон шаҳридаги «Берёзка» бозорчасига етиб келганимизда, кечки савдо айни авжига чиққан маҳал эди. «Берёзка»ни бозорча дейишимиз бежиз эмас. Чунки туманнинг асосий бозори шаҳардан бир чақиримча қуйироқда жойлашган. У «Намуна» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, деб юритилади. Ҳали қурилиш ишлари давом этаётгани боисми, Оҳангарон шаҳри ва тумани аҳолиси кунлик харид учун «Берёзка»га тушишади. Жамият раисининг айтишига қараганда, «Намуна»да фақат шанба, якшанба кунлари бозор бўларкан.

Камчиқ довонига олиб чиқувчи катта йўлнинг шундоқ ёнидаги « Берёзка» ҳар куни гавжум бўлса-да, унинг саҳни унчалик катта эмас. Бозорнинг кўп қаватли турар жой биноси остида жойлашганининг ўзи ҳайратга солади, кишини. Расталар саноқли бўлганидан, ким эрта келса, жой шуники...

Жой учун сотилган патталарни суриштирарканмиз, бирдан паттачилар саросимага тушиб қолишди. Улар биздан олдинроқ сотувчиларни сўроққа тутиб кетишди-ю, бир пасда паттаси йўқларга патта сотиб улгуришди. Гўё бозор бир қадар тартибга солингандек эди. Бироқ... бекорга айтишмаган-ку, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деб!

Паттачи А. Шодиев, кеч соат тўрт бўлишига қарамай тадбиркорлардан патта пули олмагани фош бўлиб қолди. «Тадбиркор»лар Н. Тоирова, И. С. Пак, М. Кимлар ўзига тегишли бўлмаган молларни сотишаётганди. Бахтинисо Худойбердиева дея ҳужжат тақдим этган «тадбиркор» эса ҳеч иккиланмай акциз маркасисиз «Казбек» папиросларини пулларди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари растасига ўтиб, картошканинг нархини суриштирдик. 25 сўм, дейишди. Оёқ ости эса билчиллаган лой, эҳтиёт бўлмасангиз...

«Умид» кичик корхонасига тегишли дўкон 3-4 нафар тадбиркорга ижарага берилган экан. Лекин бу ердаги сотувчилар ўзларининг тадбиркорлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиша олмади. Айтишларича, бири синглисига, бошқаси умр йўлдошига қарашаётганмиш... Дўконда эса биронта ҳам касса аппарати ўрнатилмаган эди. Шунинг ўзиёқ савдо-сотиқнинг энг оддий меъёрларига ҳам амал қилинмаётганини кўрсатиб турарди.

Бозорқўм фьючерс шартномалари, акцияларни сотиш, бозорнинг умумий даромади хусусида тайинли бир гап айта олмади.

### САВЛАТИГА ГАП ЙЎҚ!

Олмалиқ шаҳрига кираверишда шоҳбекатнинг икки ёнида савлат тўкиб турган бозор кўзга ташланади. Бу шарқона услубда қурилган «Олмалиқ бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти биноси. Аммо унинг ичкарисида эса манзара бироз бошқачароқ. Ҳиссадорлик жамияти раиси Ч. Якубеков ва солиқ идораси назоратчилари билан бирга ерга ва раста устига кийим-кечак ёйиб савдо қилаётган кишилардан ҳужжатларни суриштирдик. 20 нафарчаси талабимизни бажара олмади: патенти йўқ эди.

Сал нарида акциз маркасисиз папирос сотаётган аёлга дуч келдик. У папиросни рўпарадаги дўкондан олганини, қолган моллар ҳам шу дўконга тегишли эканини айтди.

– Дўконимиз «Мире» хусусий корхонасига қарайди, – дея бизни қарши олди сотувчи аёл Б. Пак. У тақдим этган ҳужжатларда фақат савдо-сотиқ билан шуғулланишга рухсат берилгани қайд қилинган бўлса-да, негадир дўкондан «Бар» сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Бу ерда турли хил спиртли ичимликлар, газаклар мавжуд.

Бозорнинг мева-сабзавот маҳсулотлари сотилаётган қисмини бир девор ажратиб турса-да, бу ерда деҳқонларга яратилган шароит кўнгилдагидек эмас.

– Деҳқончиликми, тирикчиликми? – дея шунчаки номигагина тикланган раста ёнида дийдираб турган ўрта ёшли кишига юзланамиз.

– Деҳқончилик, ука! Ўн беш йилдан бери деҳқончилик қиламан.

– Картошка қаерники?

– Бўка туманидаги Равот қишлоғида етиштирилган.

– Бозордаги шароитга нима дейсиз?

– Кўриб турибсиз, ўзига етгунча.

«Олмалиқ бозори»нинг ҳўл ва қуруқ мевалар, сут, гўшт маҳсулотлари сотилаётган қисмидаги шароит ҳам юқоридагидан қолишмайди. Еймачиларга ажратилган қисмида эса кишилар чакка ўтиб ётган айвончада амал-тақал савдо-сотиқ қилишяпти.

Хуллас, Тошкент вилоятидаги айрим бозорларда аҳвол шундай. Ваҳоланки, бозор тизимини такомиллаштириш, деҳқонлар ва тадбиркорларга тўлиқ шарт-шароит яратиш, савдо қонун-қоидаларининг бузилишига муросасиз бўлиш билангина ҳукуматнинг аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини кўтариш, бозорларда тўкин-сочинлик, маъмурчиликни таъминлаш ҳақидаги қарори ижросини тўлиқ амалга ошириш мумкин. Афсуски, бу ҳақиқатни айрим раҳбарлар ҳали теран англаб етмаган кўринади.

**Ш. КАРИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

NBU

Ўзбекистон Республикасида Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҲОЛИГА ОМОНАТЛАРНИНГ ЯНГИ, ОИЛАВИЙ ВА БАЙРАМ ТУРЛАРИНИ

*таклиф этади:*

ЁШЛАРИМИЗ БАХТЛИ БЎЛИШСИН!



ТЎЁНА-32%

**"Тўёна" жамғарма омонати**

2 йилгача муддатга очиладиган бу омонат Сизга йилига 32% даромад келтиради. Дастлабки бадал камида 3 минг сўм. Мазкур омонат оилангиздаги муҳим воқеада Сизга мадад бўлсин.

ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙГА БУЮРСИН!

САРПО-33%



**"Сарпо" жамғарма омонати**

3 йилгача муддатга очилади. Фоиз ставкаси йилига 33%ни ташкил этади. Дастлабки бадал камида 3 минг сўм.

ҚИЗИНГНИ БЕШИККА СОЛ - МОЛИНИ САНДИҚҚА СОЛ!

МЕҲРИ ДАРЁ ОНАХОНЛАР ВА НУРОНИЙ ОТАХОНЛАР УЧУН МАХСУС ОМОНАТЛАР



ОҚСОҚОЛ МЕҲРИБОН ОНА

**"Оқсоқол" жамғарма омонати**

1 йил муддатга очилади. Даромад йилига 25% миқдорида тўланади. Дастлабки бадал камида 1 минг сўм.

Ёшингизга ёш қўшилсин!

**"Меҳрибон она" жамғарма омонати**

1 йил муддатга очилади. Даромад йилига 25% миқдорида тўланади. Дастлабки бадал камида 1 минг сўм.

Жаннат - оналар оёғи остида!

НАВРЎЗ-70%



БАҲОРНИ ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИНГ

**"Наврўз" қисқа муддатли омонати**

1ой муддатга очилади. Даромад йиллик ҳисобда 70% миқдорида тўланади. "Наврўз" омонатига камида 2000 сўм қўйилади. Сиз бу омонатни 1998 йил 9 мартдан 9 апрелгача исталган кунда очишингиз мумкин.

ЯНГИ ЙИЛ ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

8 МАРТ-100%



**"8 март" қисқа муддатли омонати**

Икки ҳафта муддатга очилади. Даромад йиллик ҳисобда 100% миқдорида тўланади. "8 март" омонатига камида 2000 сўм қўйилади. Сиз бу омонатни 1998 йил 22 февралдан 7 мартгача исталган кунда очишингиз мумкин.

АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ БЎЛСИН!

СИЗ "ТЎЁНА", "САРПО", "ОҚСОҚОЛ" ВА "МЕҲРИБОН ОНА" ОМОНАТЛАРИГА ИСТАЛГАН МИҚДОРДА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ҚЎЙИШИНГИЗ МУМКИН! СИЗГА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ОМОНАТЛАРНИНГ ХОҲЛАГАН ТУРИНИ ОЧИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ИСТАЛГАН БЎЛИМИ ВА ФИЛИАЛИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОМОНАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БОШҚАРМАСИДАН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 137-62-83, 137-62-81.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БЎЛИМ ВА ФИЛИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

| Бўлим ва филиаллар номи | Почта манзили | Тел. №№ |
|---|---|---|
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | |
| 1. Нукус бўлими | Нукус ш., Гарезсизлик кўчаси, 52-уй | 7-48-82, 7-86-39 |
| 2. Қўнғирот филиали* | Қўнғирот ш., Гарезсизлик кўчаси, 31-уй | 2-39-79 |
| 3. Тўрткўл филиали | Тўрткўл ш., Тўрткўл кўчаси, 56-уй | 2-13-17, 2-16-19 |
| 4. Хўжайли филиали | Хўжайли ш., Ломоносов кўчаси, 2-уй | 4-23-28, 4-47-64 |
| 5. Чимбой филиали* | Чимбой ш., Гагарин кўчаси, 24-уй | |
| | **Андижон вилояти** | |
| 6. Андижон бўлими | Андижон ш., Навоий кўчаси, 39-уй | 4-38-40, 4-49-10 |
| 7. Асака филиали* | Асака ш., А.Темур кўчаси, 27-уй | 2-34-82 |
| 8. Избоскан филиали** | Пойтуғ ш., Ж.Сиддиқов кўчаси, 17-уй | 2-77-05 |
| 9. Қўрғонтепа филиали | Қўрғонтепа ш., Шифокор кўчаси, 3-уй | 1-21-79, 1-17-82 |
| 10. Марҳамат филиали** | Марҳамат ш., Ипак йўли кўчаси, 126-уй | |
| 11. Пахтаобод филиали | Пахтаобод ш., Шўро кўчаси, 2-уй | 1-17-87 |
| 12. Хонобод филиали | Хонобод ш., Улуғбек кўчаси, 25-уй | 4-14-00, 4-10-63 |
| 13. Шаҳрихон филиали* | Шаҳрихон ш., Шаҳрихон кўчаси, 4-уй | 2-23-42 |
| | **Бухоро вилояти** | |
| 14. Бухоро бўлими | Бухоро ш., Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй | 3-69-73, 3-70-18 |
| 15. Вобкент филиали** | Вобкент ш., Бобур кўчаси, 8-уй | |
| 16. Ғиждувон филиали | Ғиждувон ш., Ёдгоров кўчаси, 45-уй | 2-45-51 |
| 17. Когон филиали* | Когон ш., Чкалов кўчаси, 2-уй | 2-27-80 |
| 18. Қоракўл филиали* | Қоракўл ш., Улуғбек кўчаси, 9-уй | 5-26-86 |
| 19. Қоровулбозор филиали* | Қоровулбозор ш., Воҳидов кўчаси, 1-уй | |
| 20. Ромитан филиали* | Ромитан ш., Шафигулин кўчаси, 11-уй | |
| 21. Шофиркон филиали* | Шофиркон ш., Мустақиллик кўчаси, 7-уй | |
| | **Жиззах вилояти** | |
| 22. Жиззах бўлими | Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй | 3-26-76, 3-56-83 |
| 23. Мирзачўл филиали* | Гагарин шт., Ўзбекистон кўчаси, 11-уй | 2-24-27 |
| 24. Пахтакор филиали* | Пахтакор шт., Ш.Рашидов кўчаси, 23-уй | 3-11-23 |
| | **Қашқадарё вилояти** | |
| 25. Қарши бўлими | Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 219-уй | 4-49-21, 3-89-93 |
| 26. Ғузор филиали* | Ғузор ш., Ўзбекистон кўчаси, 14-уй | 2-15-25 |
| 27. Муборак филиали | Муборак ш., Занжирсой кўчаси, 15/3 уй | 2-10-31, 2-12-92 |
| 28. Шаҳрисабз филиали | Шаҳрисабз ш., Ипак йўли кўчаси, 100-уй | 4-24-08, 2-73-95 |
| 29. Янгинишон филиали* | Янгинишон пос., Толимаржон тошкўчаси, 2-уй | |
| | **Навоий вилояти** | |
| 30. Навоий бўлими | Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 14- уй | 3-93-34, 3-49-65 |
| 31. Зарафшон филиали | Зарафшон ш., 3-микротуман, А.Темур кўчаси, ДДУ корпуси | 4-31-62, 4-63-19 |
| 32. Учкудуқ филиали | Учкудуқ ш., Амир Темур кўчаси, 45-уй | 48-00, 49-98 |
| | **Наманган вилояти** | |
| 33. Наманган бўлими | Наманган ш., Нозим Намангоний кўчаси, 10-уй | 6-50-30, 6-51-52 |
| 34. Косонсой филиали* | Косонсой ш., Маҳмудий Аъзам кўчаси, 1-уй | 2-20-86 |
| 35. Поп филиали* | Поп ш., Ҳакимов кўчаси, 1-уй | |
| 36. Тўрақўрғон филиали* | Тўрақўрғон ш., Тўрақўрғон кўчаси, 3-уй | 2-27-67 |
| 37. Уйчи филиали | Уйчи ш., Беруний кўчаси, 32-уй | 2-18-43 |
| 38. Учқўрғон филиали | Учқўрғон ш., Дўстлик кўчаси, 18-уй | 2-17-01, 2-15-01 |
| 39. Чортоқ филиали** | Чортоқ ш., Мустақиллик кўчаси, 6-уй | |
| 40. Чуст филиали | Чуст ш., Чустий кўчаси, 23-уй | 3-11-82, 3-11-23 |
| | **Самарқанд вилояти** | |
| 41. Самарқанд бўлими | Самарқанд ш., Фирдавсий кўчаси, 7-уй | 33-57-50, 31-23-21 |
| 42. Булунғур филиали* | Булунғур шт., Булунғур кўчаси, 25-уй | 33-41-17 |
| 43. Жомбой филиали | Жомбой шт., Охунбобоев кўчаси, 10-уй | 33-65-09 |
| 44. Каттақўрғон филиали | Каттақўрғон ш., Қора дарё кўчаси, 1-уй | 33-62-99, 33-62-98 |
| 45. Нуробод филиали** | Нуробод ш., Мустақиллик кўчаси, 27-уй | |
| 46. Пастдарғом филиали** | Жума пос., Самарқанд кўчаси, 87-уй | |
| 47. Ургут филиали | Ургут ш., Навоий кўчаси, 176-уй | 33-62-97 |
| | **Сурхондарё вилояти** | |
| 48. Термиз бўлими | Термиз ш., ат-Термизий кўчаси, 7а-уй | 4-59-66, 4-30-53 |
| 49. Жарқўрғон филиали* | Жарқўрғон ш., туман маркази, Шифокор кўчаси 1-уй | |
| 50. Денов филиали | Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 47-уй | 9-47-28, 9-47-38 |
| 51. Қумқўрғон филиали* | Қумқўрғон шт., Ўзбекистон кўчаси, 2-уй | |
| 52. Сариосиё филиали* | Сариосиё ш., М.Улуғбек кўчаси, 8-уй | |
| 53. Шеробод филиали* | Шеробод ш., Алишер Навоий кўчаси, 20-уй | |
| | **Сирдарё вилояти** | |
| 54. Сирдарё бўлими | Гулистон ш., Аҳмад Яссавий кўчаси, 48-уй | 25-20-88, 25-25-10 |
| 55. Оқолтин филиали | Сардоба пос., Омонгелди кўчаси, 2-уй | 2-11-91, 2-15-74 |
| 56. Янгиер филиали* | Янгиер ш., Ш.Рашидов кўчаси, 17-уй | 72-40-42 |
| | **Тошкент вилояти** | |
| 57. Тошкент вилояти бўлими | Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй | 55-12-01, 54-89-09 |
| 58. Олмалиқ филиали* | Олмалиқ ш., Хўжаев кўчаси, 6-уй | 5-36-31 |
| 59. Ангрен филиали* | Ангрен ш., Оҳангарон кўчаси, 1-уй | 3-05-79 |
| 60. Бекобод филиали* | Бекобод ш., 3-микротуман, Пешакова кўчаси, 1-уй | 2-26-24 |
| 61. Бўстонлиқ филиали* | Ғазалкент ш., Олтинсарин кўчаси, 12-уй | |
| 62. Чирчиқ филиали* | Чирчиқ ш., Навоий кўчаси, 253-уй | 5-13-23, 5-14-23 |
| 63. Тўйтепа филиали* | Тўйтепа ш., Тошкент йўли кўчаси, 56-уй | |
| 64. Янгийўл филиали* | Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси 178-уй | |
| | **Фарғона вилояти** | |
| 65. Фарғона бўлими | Фарғона ш., А.Фарғоний кўчаси, 69-уй | 4-40-36, 4-59-81 |
| 66. Бешариқ филиали* | Бешариқ ш., Олтин водий кўчаси, 111-уй | 2-21-90 |
| 67. Бувайда филиали* | Янгиқўрғон пос., Ҳамза кўчаси, 4-уй | 9-17-55 |
| 68. Водил филиали** | Водил ш., Марғилон кўчаси, 4-уй | 2-13-84 |
| 69. Қўқон филиали | Қўқон ш., Амир Темур кўчаси, 39-уй | 3-79-39, 3-79-16 |
| 70. Кувасой филиали | Кувасой ш., Навоий кўчаси, 2-уй | 3-36-90, 3-28-62 |
| 71. Кува филиали* | Кува ш., Яссавий кўчаси, 55-уй | 5-16-95 |
| 72. Марғилон филиали | Марғилон ш., Тўралар кўчаси, 234-уй | 35-43-11, 35-43-07 |
| | **Хоразм вилояти** | |
| 73. Урганч бўлими | Урганч ш., Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 150-уй | 6-26-44, 6-93-79 |
| 74. Гурлан филиали | Гурлан ш., Маҳмуд кўчаси, 2-уй | 5-16-77 |
| 75. Хонқа филиали* | Хонқа ш., Ал Хоразмий кўчаси, 2-уй | |
| 76. Ҳазорасп филиали | Ҳазорасп ш., Ғ.Ғулом кўчаси, 2-уй | 2-42-83, 2-42-82 |
| 77. Хива филиали | Хива ш., Мустақиллик кўчаси, 12-уй | 3-62-37 |
| 78. Шовот филиали* | Шовот ш., Тошауз кўчаси, 1-уй | |
| | **Тошкент шаҳри** | |
| 79. Тошкент шаҳар бўлими | Тошкент ш., Ғ.Ғулом кўчаси, 1-уй | 144-82-20, 144-82-05 |
| 80. Акмал Икромов филиали* | Фарҳод кўчаси, 54-уй | 74-08-93 |
| 81. Бектемир филиали* | Ҳ.Бойқаро кўчаси, 15-уй | |
| 82. Миробод филиали | Банокатий кўчаси, 165-уй | 93-08-35, 93-07-70 |
| 83. Мирзо Улуғбек филиали* | Пушкин кўчаси, 66-уй | 68-12-96, 68-02-42 |
| 84. Собир Раҳимов филиали | Калонов кўчаси, 54-уй | 29-42-39 |
| 85. Сирғали филиали | Сирғали, 6-уй | 51-68-67, 56-97-84 |
| 86. Ҳамза филиали | Элбек кўчаси, 28-уй | 96-36-35 |
| 87. Чилонзор филиали* | Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй | 76-36-91 |
| 88. Шайхонтоҳур филиали | "Эски жўва" бозор майдони | 42-25-01 |
| 89. Юнусобод филиали | Юнусобод мавзеси, 11-даҳа, 32-уй | 24-25-95, 24-38-28 |
| 90. Яккасарой филиали | Бобур кўчаси, 85-уй | 50-96-53, 50-96-25 |
| 91. Академия бўлими | Файзулло Хўжаев кўчаси, 31-уй | 162-44-43, 162-37-64 |
| 92. Бош амалиёт бўлими | Гоголь кўчаси, 95-уй | 133-68-07, 133-36-88 |

**Изоҳ:** * 1998 йил март ойидан бошлаб мижозлар билан ишлашга киришадиган филиаллар белгиланган;
** 1998 йил май ойидан бошлаб мижозлар билан ишлашга киришадиган филиаллар белгиланган;

